

**“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“Микрокредитбанк”**

акциядорлик-тижорат банки  
Акциядорларининг навбатдаги  
йиллик умумий йиғилишининг  
2024 йил “27 июндаги  
2 -сонли баённомаси билан

**Йиғилиш раиси**



\_\_\_\_\_**Ф. Нургалиев**

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомига  
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

**“МАЪҚУЛЛАНГАН”**

**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки**

Кузатув кенгаши мажлисининг  
2024 йил “13 июни даги 22 -сонли баённомаси билан

**Раислик қилувчи**



\_\_\_\_\_**Ф. Нургалиев**

Бошқарувининг  
2024 йил “13 июни даги 23-1 -сонли қарори билан

**Бошқарув раиси в.б.**



\_\_\_\_\_**О. Бутаев**

**Тошкент – 2024 йил**



**“Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкининг  
“Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомига  
киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

**1. Низомнинг 6-банд йигирма тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“Банк Бошқарувига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини ва уларга киритилаётган ўзгартиришни маъқуллаш”.

**2. Низомнинг 6-банд олтмиш биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:**

“масъул Бошқарув аъзосига (аъзоларига) акцияларни оммавий жойлаштиришни сифатли ва белгиланган муддатларда қонунчиликка мувофиқ амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот белгиланишини маъқуллаш ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш;”.

**3. Низомнинг 6-банди қуйидаги мазмундаги олтмиш икки, олтмиш уч ва олтмиш тўртинчи хатбошилари билан тўлдирилсин:**

“Банк ходимларига, жумладан Банк Бошқарувига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни тўлаш ва рағбатлантиришни амалга оширишни тартибга солувчи ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

Банкнинг ташкилий тузилмасини, шунингдек унга киритилаётган ўзгартиришни маъқуллаш;

Банк Бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичларини (KPIни) белгилаш ва уларнинг ҳар чораклик натижаларини тасдиқлаш;”.

**4. Низомнинг 6-банд олтмиш иккинчи хатбошиси тегишинча 6-банд олтмиш бешинчи хатбошиси деб ҳисоблансин.**